

**Абдувалитов Н.Б.,**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети тадқиқотчиси

## ОИЛАДА БОЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

### **АБДУВАЛИТОВ Н.Б. ОИЛАДА БОЛА ПСИХОЛОГИЯСИ**

Мақолада фарзанд ва ота-она ўртасидаги муносабатлар бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида таҳлил қилинган. Бу муносабатлар вақтида бола психологиясида турли психик жараёнлар ҳамда ота-оналар ва фарзандлар ўртасида турли шаклдаги тушунмовчиликлар кузатилади. Шунингдек, боланинг оиласидаги тарбияси юзасидан ота-оналар учун психологик тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: оила, шахс, гипоҳимоячи, ижтимоий институтлар, психик жараён.

### **АБДУВАЛИТОВ Н.Б. ПСИХОЛОГИЯ РЕБЁНКА В СЕМЬЕ**

В статье анализируются отношения между детьми и родителями как актуальная проблема нынешнего времени. Во время этих отношений наблюдаются различные психические процессы, происходящие в психологии ребенка, и различные формы недопонимания между родителями и детьми. С статье так же даны советы родителям по психологии в воспитании ребёнка в семье.

Ключевые слова и понятия: семья, личность, гипозащитник, социальные институты, психический процесс.

### **ABDUVALITOV N.B. PSYCHOLOGY OF THE CHILD IN THE FAMILY**

In the article relations between parents and children as actual problem of the present time are demonstrated. It is observed that variuos mental processes and misunderstandings which happen in child's psychic are results of given problem. Aslo in the article advices for parents in upbringing children by psychology point of view are given.

Keywords: family, person, hypoprotector, social institutes, mental process.

**«Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунё-да ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб атамиши бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди»<sup>1</sup>.**

Бугунги кунда тобора мураккаблашиб бораётган жараён инсониятнинг комиллик сифатларини сақлаб қолишдан иборат. Шу билан бир қаторда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни маърифат ва маданият сари етаклаш ҳам долзарб масала бўлиб туриди.

Бу масалаларнинг ечимини, энг аввало, жамиятнинг муқаддас макони ҳисобланган – оиласдан излаш керак. Тарихга назар солсак, комил инсон тарбияси аввалимбор оиласдан бошланганини кўршимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, далил ва исботни талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Оила ҳақида гап кетар экан, бу муқаддас маконни яратувчи ота-она ҳақида гапириб ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки оиласда ота-она фарзанд учун ҳам мураббий, ҳам комил инсон тарбиячисидир. Жамиятдаги ҳар бир инсон учун инсонийлик фазилатлари (ҳалоллик, поклик, имон-эътиқод, олижаноблик ва ҳоказолар) авалло оиласда мужассамлашади. Шу боис оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий, ахлоқий аҳамияти ва қадр-қимматини англамасдан туриб, комил инсон тарбияси ҳақида гапириш ўринсиздир. Сабаби, оиласда фарзанд тарбиясида ота-боболаримизнинг миллий анъана ва урф-одатлари нуқтаи назаридан ёндашмасак, биз олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз мушкул кечади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидланганидек: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсdir. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характеристини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойdevori оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг

учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидағи умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади»<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда фарзанд билан ота-она ўртасидаги муносабатлар долзарб муаммолардан биридир, чунки ота-она фарзанд тарбиясида турли муаммоли вазиятларга дуч келади. Ваҳоланки, бундай вазиятларда болани сабртоқат билан тушунишга ҳаракат қилинса, таълим-тарбия жараёни самарали бўлади.

Бугунги кунда кўпчилик ота-оналар онгода кўп ҳолларда улар қўйган талабларни фарзандлари сўзсиз бажарса бўлди, деган тушунча шаклланган. Айрим ҳолларда болага куч ишлатиб, қўрқитиши йўли билан тарбия бериш ҳолатларини ҳам учратамиз. Бу жараён болани турли психик инқирозларга олиб келиши мумкин. Инсон болалик пайтида олган психик зарбани бутун умри давомида унутмаслигини эсда тутишимиз керак.

Энг асосийси, мактаб ёшидаги боланинг тарбиясига беэътибор бўлманг. Дарс тайёрлаб ўтирган боланинг тепасида туриб, ҳар бир камчилиги учун танбеҳ бериб ёки «қўй ишлатиб» унинг дарсга бўлган қизиқишини сусайтиранг. Бу кейинчалик болани ёлғон ишлатишига мажбур қиласди. Бундай ҳолларда фарзандингизни жазолаш ўрнига унга тўғри талаб қўйишнинг самарали йўлларини ўрганинг, яъни боланинг бирон-бир эришган ютуқларини айтиб, унга берилган топшириқни тўғри ёки нотўғри бажараётганини назорат қилинг. Ўзига юклатилган вазифани тўлиқ бажаришига ишонч билдириб, топшириқни маълум бир пайтда текширишингизни айтинг. Шундагина фарзандингиз сизнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиласди. Фақат мақташ керак экан, деб ўринсиз мақтаманг. Бу ҳолат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. -56-6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. -52-53-6.

уни манманлик, ўзбошимчалик ва менсимасликка ўргатади.

Кичик мактаб ёшдаги болаларнинг ҳаракати тезлик билан ўзгариб, уларни тарбиялашда қийинчиликларга дуч келамиз. Психолог ва ота-оналарнинг фикрича, болаларда агрессия пайдо бўлиб, юз берган жараёнга кўз ёши ёки жаҳл билан жавоб қайтаради. Атроф-муҳит билан муносабати ўзгаради. Агрессив жавоб қайтариш боланинг ички эмоцияларининг ташқарига чиқишига сабабчи бўлади. Бундай агрессия болада 6-7 ёшдан бошланиб 8-9 ёшгача давом этиши мумкин. Бола улғайган сари агрессия ҳажми камайиб боради.

Баъзида бола фақат агрессия билан чекланмайди. Масалан, ота-она боласини жазолаганда уни хонасидан чиқишига ёки турли ҳаракатларни бажаришига қарши бўлади. Бундай жазога кўникмаган бола онгсиз ҳолда ота-онасига қарши чиқиб, қимматбаҳо нарсаларни синдириши ёки ўз кийимларини йиртиши мумкин. Бу жараёнда боланинг психик ривожланишида камчиликлар кўрина бошлайди. 7 ёшдаги инқироз пайтида бола яқинлари ва дўстларидан узоқлашади. Жамоавий ўйинларга умуман қатнашмайди, улардан ўзини узоқ тулади. Агар боланинг ушбу ҳаракатларига вақтида эътибор берилмаса, болада соматик камчиликлар вужудга келиши мумкин. Бу шароитда болани сўзсиз шифокор кўригига олиб бориш лозим бўлади.

Кичик мактаб ёшдаги болалар психик ва ижтимоий ривожланиши ҳам алоҳида ўринга эга. Биринчидан, унинг ижтимоий мақоми ўзгаради. У мактабга қадам қўйган кундан бошлаб, унга янги вазифалар юклатилади. Мактабгача ёшдаги боланинг асосий бажардиган ҳаракати ўйин бўлса, кейинги босқичда ўйин ҳаракати мураккаб тус олиб, ўқиш мулоқот ҳаракатига алмашади.

Иккинчидан, боланинг психикасида жуда катта ўзгаришлар сезилади. Боланинг ўйлаш жараёни мураккаблашиб, мантиқий фикрлаш қобилияти ривожланади. 7-12 ёш оралиғида болаларнинг эсда сақлаш қобилияти ўзига хос хусусиятлардан бири бўлиб, улар бир белгини бирор нарса билан тақослаш, эсда сақлаш орқали мантиқий фикрлашни амалга оширадилар.

Мантиқий фикрлаш орқали бола катталарнинг ўйлаш қобилияти билан тенглашади. Шунинг ўйлаш қобилияти билан тенглашади. Шу

аснода бола ўз хатти-ҳаракати ва ўз-ўзига баҳо бера олади.

Ёш авлодни эс-хушли, онгли, ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш оила, қолаверса, жамиятдаги ижтимоий институтларнинг аосий вазифасидир. Сабаби, фарзанднинг комил инсон бўлиши оиласдан бошланиб, таълим-тарбия масканларида давом этади.

«Бола ҳаёти – мисоли оқ қоғоз. Унга нима ёзиш ота-онанинг ўз ихтиёрида» деган тушунчага эътибор берсак, келажакда боланинг қандай шахс бўлиб шаклланиши ота-онаси ва оила аъзоларига боғлиқ, деганидир. Чунки фарзанд оиласдан дунёга келади. Унинг комил инсон бўлиб шаклланишига аввал ота-онаси, оила аъзолари таъсир кўрсатади. Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб қолмасдан, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиш ҳамда фаолиятлари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари бойиб боради, реал ҳаёт мазмунини чуқурроқ англаш, яъни фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини кўриш ҳолати юз беради<sup>1</sup>.

Олимларнинг кузатувларига кўра, бугунги кунда ишдан толиқиб келган ота-она боласининг тарбиясига 10-15 дақиқа вақт ажратар экан. Бу саноқли дақиқаларнинг аксар қисми кундаликни текшириш, камчиликларни кўрсатиш ва танқид остига олишга ажратилиши аниқланган.

Оилада тарбияда йўл қўйиладиган камчиликлар:

- ичкилиқка ружу қўйган ота-она фарзандига «гипоҳимоячи»<sup>2</sup> бўлиб тарбия беради. Улар фарзандларидан ҳеч нарса талаб қила олмайди;

- баъзи бир ота-оналар ҳаддан ташқари қаттиқўл бўлсак, фарзандимизнинг тарбияси яхши бўлади, деб ҳисоблейди. Аксинча, бунақа

<sup>1</sup> Ҳасанбоев Ж., Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: «Фан», 2006. -123-б.

<sup>2</sup> Гипо (юн. hypo – остида, тагида) – байнамилад ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёридан камлиги, пасайғанлиги ёки қуйида эканлигини кўрсатадиган олд қўшимча. / Ўзбек тилининг изоҳли луғати. І-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. -504-б.

вазиятларда болалар тортинчоқ, ўзига нисбатан ишончсиз, ёлғон гапирадиган бўлади.

Бола тарбиясида қуйидаги қоидаларга амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- агар сиз огоҳлантириш бермоқчи бўлсангиз, авваламбор фарзандингизнинг яхши томонларини санаб ўтинг;
- фарзандингизнинг камчилигини бирданнiga юзига солмасдан, ётиғи билан тушунтириш;
- ўзига буйруқ берилишини ҳеч ким ёқтирамайди. Шунинг учун бевосита буйруқ беришдан кўра, савол бериб, панд-насихат йўли билан берилган топшириқни бажартирганингиз маъқул;
- фарзандингизга ўз обрўсини сақлаб қолишига имконият беринг;
- инсонлар ҳақида яхши фикрда бўлинг, шунда фарзандингиз уларга ўхшашга ҳаракат қиласди.

Инсонга ҳар томонлама тарбия бериш оила ва ижтимоий институтларнинг асосий вазифасидир. Сабаби, мустақил юртимизнинг эртанги куни бугун фарзандларимизнинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини доимо ёдда тутушимиз лозим: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини ўйғун ҳолда олиб боришни талаб этади»<sup>1</sup>.

Шахснинг шаклланиши узлуксиз ва мурракаб жараёндир. Бу жараёнда болага табиатдан берилган туғма қобилиятлар, жамиятдаги сиёсий-ижтиомий вазият, оиладаги мунособ-

батлар каби асосий кучларнинг ўзаро боғлиқлиги онгли шахснинг шаклланишига имконият яратади.

Ҳар бир болага шахс сифатида қараб, унинг ўзига хос онги, эрки, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, ота-оналар ўқитувчи билан ҳамкорликда қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

- илғор педагогик-психологик тажрибалар, самарали усуllibардан фойдаланган ҳолда халқимизнинг маданияти, урф-одатлари негизида кичик мактаб ёшидаги болада миллий онг, инсонийлик фазилатларини шакллантириш;
- мутахассислик фанларининг тарбиявий аҳамиятини кучайтириш, таълим-тарбия самардорлигини оширувчи маҳсус ва факультатив фанларни киритиш;
- болаларнинг билим, илмга бўлган қизиқишлиарини орттириш; уларнинг ақлий қобилияти, дунёқарашини шакллантириш, жамият талабига мос шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш;
- иқтидорли болаларни аниқлаш ва улар қобилиятининг ривожланишига шароит яратиш;
- табиат ва инсон чамбарчас эканлигини хис қиласидиган, табиатни муҳофаза қила оладиган шахсни тарбиялаш;
- миллий маданият асосида эстетик тарбия беришга ўргатиш;
- миллий ва умумбашарий қадриятларни ўрганиш ва асрарни тарбиялаш;
- ёшлар тарбиясида «озодлик», «тengлик», «демократия» каби тушунчаларнинг моҳиятини теран тушуниш ва мамлакат рамзларига ҳурмат кўрсатиш.

Оиладаги таълим-тарбиянинг мақсади – боланинг ёши, хусусиятлари, психик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда мунособ тарбия беришдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- оиласда боланинг ривожланиши, соғлигига ғамхўрлик кўрсатиш, тозаликка риоя қилиш;
- меҳнат ва меҳнатсеварликка ўргатиш. Боланинг кундалик ҳаётини мазмунли ташкил этиш ва ўз-ўзига хизмат қилиш кўниумасини шакллантириш;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. –61-6.

- оила аъзоларини ўзаро дўстона муносабатда бўлишга, ота-она, қариндошлар, кексаларни ҳурмат қилишга ўргатиш;
- адабиёт, маданият, миллий қадриятларга бўлган қизиқишини ўйғотиш, вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш;
- интизомли, масъулиятли ва зийрак бўлишга ўргатиш;
- ўз-ўзини тарбиялаш ва ижодкорликка йўналтириш.

**Фарзанд тарбиясида психологияк томондан бериладиган қуийдаги тавсияларга амал қилинг.**

**Биринчидан,** эрталаб фарзандингизни меҳр билан ўйғотинг. Сизнинг мулоим овозингиз ва юзингиздаги табассум фарзандингизнинг ўйқусини ўчириши лозим.

**Иккинчидан,** агар фарзандингиз дарсга кечикадиган бўлса, уни «тез бўл», «чақон қимирла» деб шошилтирманг. Бундай ҳолларда фарзандингизни эртароқ ўйғотмаганингиз учун ўзингизни айборман деб билинг.

**Учинчидан,** «тарбиясиз бўлма», «буғун икки олсанг, кўрасан» деган огоҳлантиришларни кўп маротаба айтманг. Аксинча, унга ишонч билдириб, яхши баҳо олиб келишига тилакдош бўлинг. Шу ўрнида айтиш жоизки, баъзи ота-оналар «болам фақат яхши баҳо олиши керак», деб ўйлади. Буни эшитган бола ота-онасининг жазосидан қўрқиб, ёмон баҳо қўйилган кундалик дафтарининг саҳифасини йиришга, баҳони тузатишга ёки бошқа йўл орқали алдашга уринади. Шунинг учун ҳар бир ота-она баҳо фарзандининг билим олишида муҳим, аммо асосий масала эмас эканлигини билишлари лозим. Шуни эсдан чиқармаслик керак: «баҳо қадрли эмас, бола қадрли».

**Тўртинчидан,** фарзандингизни мактабга оч холда жўнатманг.

**Бешинчидан,** фарзандингиз мактабдан келиши билан «Бугун қандай баҳо олдинг?» деб саволга тутманг.

**Олтинчидан,** агар фарзандингизнинг бирор нарсадан жаҳли чиқса, индаманг. Ҳовуридан тушгандан кейин ўзи нима бўлганини айтиб беради.

**Еттинчидан,** фарзандингизнинг тартибсизлиги учун ўқитувчи сизни мактабга чақирса, ўқитувчи билан бўлган сұхбатда фарзандингиз қатнашмагани маъқул. Уйда фарзандингиз-

нинг ҳам фикрини эшитиб, хатоларини тушунтиринг.

**Саккизинчидан,** фарзандингиз мактабдан келиши билан унга дарс тайёрлаши кераклигини айтманг. Фарзандингиз 2-3 соат дам олгани маъқул.

**Тўққизинчидан,** дарс тайёрлаётган боланинг тепасида туриб, танбеҳ бериб, қўпол гаплар ишлатманг. Ундан кўра дарс тайёрлашида ёрдам беринг.

**Ўнинчидан,** фарзандингизга ҳар куни камиди 20-30 дақиқа вақт ажратинг, у билан яқиндан сұхбатлашинг.

**Шунингдек:**

- болангизнинг фикрини қизиқиб тингланг, уй ишини бажарганида рағбатлантиринг;
- болангизнинг қизиқувчанлигини ривожлантириша ёрдам кўрсатинг. Бундай ёшда болалар ўзида пайдо бўлган қизиқишини айта бошлиди, эътиборли бўлинг;
- болангизнинг кун тартиби бўлиши, унда уй вазифаларига алоҳида вақт ажратиш керак. Кичик мактаб ёшидаги болалар тез ўса бошлиди. Шунинг учун болалар камиди 8 соат ухлаши тавсия этилади;
- болангизнинг хулқи ёки ўқишидаги барча ўзгаришлари ҳақида ўқитувчига хабар бериб туринг;
- болангиз айтганингизни қилмайдиган бўлса, психолог ёки шифокор билан маслаҳатлашинг<sup>1</sup>.

Жамиятда оиланинг асосий вазифаси жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, меҳнатга тайёр шахсни шакллантириб беришдан иборат. Шунингдек, болаларда ижтимоий-дунёвий билимларни эгаллашга бўлган интилиш, ижтимоий фаолликнинг ортишида ота-оналарнинг самарали иштирок этиши ҳал қилювчи омил бўлиб, бу оила тарбиясида боланинг комил инсон бўлиб шакллашида алоҳида.

Хуласа шуки, ота-онанинг берган бугунги тарбияси фарзандингизнинг эртанги келажаги учун пойдевор вазифасини ўтайди. Шунинг учун оиласидаги фарзанд тарбияси ота-она томонидан тўғри йўналтирилган бўлса, унда унинг катта ҳаётга дадил қадам қўйишига,

<sup>1</sup> Ҳайтов А. Синф раҳбари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. -35-6.

мустақил фикр юритишига замин яратилган бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таяниб, оиласда бола тарбиясидаги объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлигини иnobatga олган ҳолда қуийидаги таклифларни берамиз. Ота-она бола тарбиясида:

- сабр-тоқатли;

- меҳр-муҳаббатли;
- интизомли ва масъулиятли бўлиши;
- фарзандининг ҳам руҳан, ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлишига имконият яратиши;
- ҳар бир фарзандини шахс сифатида кўриши лозим.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. / Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакат Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил, 8 декабрь.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
4. Ҳайтов А. Синф раҳбари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006.
5. Ҳасанбоев Ж., Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: «Фан», 2006.